

СУҒДДАГИ САВДО МУНОСАБАТЛАРИ

Холиқулов Азизбек Ёрқулович

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат

университети тадқиқотчиси

Аннотатсия: Мақолада илк ўрта асрлар Суғдда иқтисодий омилар, савдо муносабатлари, асосий савдо товарлари, ички ва ташқи савдода муомаласиталари, танга-пулларга кенг кўламдаги эҳтиёжнинг юзага келтирувчи омилар ҳақида маълумот берилган.

Калит сўзлар: *Муз тоғи, от, ипак, ошланган тери, хўл мева, қул савдоси, бозорлардаги ўлчов бирликлари, нарх-навонинг барқарорлиги.*

Суғддаги савдо муносабатларида асосий маҳсулотлар пахта ва ипакдан тайёрланган ярим тайёр ва тайёр маҳсулотлар (айниқса, зандана (Бухоро) ва вадорий (Миёнқол) матолари), ошланган тери ва ундан тайёрланган маҳсулотлар (айниқса, эчки, қўй каби ҳайвонлар терисидан ясалган, юмшоқ, ўзига хос гул ташлаб турадиган тери), мўйна ва ундан ясалган маҳсулотлар, темир ва темирдан ясалган маҳсулотлар, кулолчилик, темирчилик ва заргарлик маҳсулотлари, ёғоч маҳсулотлари, суякдан ясалган турли хил маҳсулотлар, хўл мева, қул савдоси (ҳам ички ва ҳам ташқи бозорда), учқур отлар, катта шохли ва майда туёқли ҳайвонлар, қоғоз (асосан, ички савдода), турли хил бўёқлар каби ўнлаб товарлар ҳисобланган. [2:294] Суғд ташқи савдосида эса қуллар, ипак маҳсулотлари, турли хил мусиқа асбоблар, индиго, ошланган тери маҳсулотлари, найза, қилич, қалқон, олтин, навшадил (наша-тир), турли хил хушбўйликлар, оқ марварид, гилам ва шол-чалар, ипак кимхоб (Хитойнинг бой амалдорлари учун), чойшаб ва тули хил газламалар каби маҳсулотларнинг харидори бўлган. [6:604]

Ибн Хурдодбеҳ маълумотларида ипак кимхоб нафақат Суғд ички бозорида, балки ташқи савдода ҳам муҳим савдо маҳсулоти ҳисобланган. [1:70]

Муғ тоғи мато парчаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, ипак ва пахтадан мато тайёрлаш Суғдда кенг ёйилган ва ички бозордаги энг харидоргир маҳсулотлардан ҳисобланган. Муғ тоғи суғдий ҳужжатлари *сун* (“оқ”) “ипак”), *pr'ynk* (“рангли”), *kp'wtk* (“тўқ”) “кўк”), *sm'hγwn* (“мовий”) *spyty* (“оқ”), *zrywnk* (“яшил”) маъноларини берувчи мато турлари тўғрисида келтирилган. Афтидан *сун* (“оқ”) “ипак”) мато тури фармонлар ёзиш учун ишлатилган ва энг кўп ишлаб чиқариб, сотилган. Ипак матолар билан бирга рангланмаган карбослар ҳам Муғ тоғи қалъаси харобаларидан топилганки, бу матонинг ҳам ишлаб чиқарилганлиги ва сотувда бўлганлигидан далолат беради. [5:152]

Бизнингча, ҳам корбос ва бўялмаган мато Суғд бозорларида кенг сотилган. Ҳали қоғоз бўлмаган бир шароитда ушбу мато ёзув қуроли сифатида ҳам кенг ишлатилган, эҳтимол. Олий навли карбос Фарбий Суғд – Бухоронинг Зандана қишлоғида тайёрланган ва ташқи савдода сотилган. “Занданачи” матосининг илк намуналари милодий VI-VIII асрларга оид ҳисобланади.[4:44] Хитойлик сайёҳ Хой Чао (726 й.)нинг келтиришича, оддий халқ жун матодан, аслзодалар ипак ва пахтадан кийим кийишган деб келтиради. Бундан маълум бўладики, “Занданачи” матоси асосан аслзодалар учун ишлаб чиқарилган.

О.И.Смирнованинг Табарий маълумотларига суяниб келтиришича, ипакнинг бир кийим-лик қисми 25 дирҳамга тенг бўлган ҳолда ковуш - 2 драхм, қассобнинг хизмат ҳақи 5 драхм, чўпоннинг ойлиги 6 драхм, парвоначининг ҳаққи 8 драхм, от 200 драхм, сигир 11 драхм бўлганлиги ипакнинг бозордаги нархи-дан далолат беради. Маҳсулотларнинг энг қимматлари от ва ипак эканлиги юқоридаги маълумотлар асосида маълум бўлади. Балки шунинг учун ҳам бу икки маҳсулот ташқи савдода ҳам асосий маҳсулот ҳисоблангандир. Суғдийларнинг Хитой билан олиб борган савдо жараёнларида барча маҳсулотлар от ва ипак товар айрибошланган ёки айна шу икки маҳсулот қолганларига нисбатан кўпроқ сотилган.

Суғд ички бозорида турли туман маҳсулотлари сотилганлиги қаторида бозорлардаги савдонинг муайян соҳа томонидан назорат қилганлиги ҳам маълум бўлади. Айниқса, бозордаги тош-тарози масалаларига жиддий эътибор

берилган. Панжикент қазिशмалари чоғида кўплаб ҳажми битилган тош тарозиларнинг топилганлиги ҳам бунга исбот бўлиши мумкин. Шунингдек, алоҳида идишларда ҳам уларнинг ҳажми ёзилган ҳолда топилиши ҳар томонлама бозордаги нарх-наво ва тош-тарози ҳам назорат қилинганлигини билдиради. Соҳа мутахассислари Б.Маршак ва В.Распопова ушбу масалага алоҳида тўхталиб, Панжикентдан топилган тарози тошларини талқин қилишган. Уларда маҳсулотнинг ҳажми ва унинг сифатлари келтирилганлиги алоҳида аҳамиятлидир. Масалан, VIII асрга оид қадоктош, тарози тошини В.А.Лившиц “462 (драхм)” ва “уч маротаба (?) тўрттадан кам қолади” ёки “уч ботмон (ўлчов бирлиги) тўрттадан кам қолади” дея талқин этади. [9:108] Бу ҳолат Суғддаги иқтисодий ҳаёт меъёрларидан, ҳар бир маҳсулотнинг ўз нархи ва ҳажми бўлганлигидан далолат беради.

Хуллас, шаҳарлар ва қишлоқ ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг ривожини, туркийлар ва суғдийлар ўртасидаги савдонинг тараққиёти бу даврда эндиликда маҳсулот кўринишдаги савдодан танга-пул билан қизғин савдо ўтилганлиги ҳамда ушбу савдонинг ҳуқуқий ва иқтисодий қонуниятлар асосида назорат қилинганлиги, бозорлардаги ўлчов бирликлари, нарх-навонинг барқарорлигига алоҳида эътибор берилганлиги билан боғлиқ. Бу эса ўз навбатида жамият тараққиёти, урбанизация жараёнларининг тезлашганлигини ва шу асосда давлат равнақи ҳамда маданий уйғонишни вужудга келтирган омил бўлганлигини ҳисобга олиш лозим.

АДАБИЁТЛАР:

1. Abu-l-Kasim ibn Naukal an-Nasibi. Opus geographicum. Ed. M.J. De Goeje / VGA, Pars 2. – Lugduni Batavorum, 1967. – P. 70.
2. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. ... – С. 294-295; Бичурин Н.Я. Собрание сведений. ... II. – С. 272.
3. Бернштам А.Н. Тюрки и Средняя Азия в описании Хой Чао (726 г.) // ВДИ. – 1952. – № 2. – С. 187-195. Яна қаранг: <https://elbilge.ucoz.ru/publ/16-1-0-177>

4. Мухамеджанов А. Результаты археологических исследований на территории города Бухары // *Общественные науки в Узбекистане*. – 1984. – № 1. – С. 36-44.
5. Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. ... – С. 153.
6. Шефер Э.Х. Золотые персики Самарканда (Книга о чужеземных диковонах в империи Тан). – Москва: Наука, 1981. – С. 604-608.
7. Бичурин Н.Я. Собрание сведений. ... II. – С. 272-275; 311-316.
8. Беленицкий А.М., Бентович И.Б., Большаков О.Б. Средневековый город Средней Азии. ... – С. 111.
9. Маршак Б.И., Распопова В.И. Согдийские гири из Пенджикента / *Материалы Пенджикентской археологической экспедиции. Вып. IX. СПб: Издательство Государственного Эрмитажа. 2005. – 108 с.*
10. Маршак Б.И., Распопова В.И. Согдийские гири из Пенджикента. ... – С. 4-7.